

# ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_

Viloyat  
ijtimoiy-siyosiy  
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda  
asos solingan

2024-yil 10-aprel / CHORSHANBA / № 21-22 (13680-81)

## Ислохот одимлари

### ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК ТУТАШГАН МАНЗИЛ



2-3

## Томорқа – хазина

### МЕХНАТ БИЛАН ТОПГАНИНГ — ҚАНДУ АСАЛ ТОТГАНИНГ

Куйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли маҳаллада истиқомат қилувчи Толипжон Одинов 7 сотихли иссиқхонасида цитрус мевалар етиштирмоқда. У ўтган йили 30-36 млн. сўм даромад олган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни икки баробарга оширмоқчи. Шунингдек, кичик ердан катта даромад олиш сирлари ва цитрус меваларни парваришlash усулларини маҳалладошларига ҳам ўргатиб бормоқда.

Маҳалладаги Нурсултон Абдуллаев ҳам ҳар сотихдан минг доллар даромад олаётган юртдошларимиздан. У бундан 35-40 сотих томорқага иссиқхона қурди ва олти йилдирки, Хитой карамини экиб, Қозғистон ва Россияга экспорт қилмоқда.



Исматилла Раимқулов ҳам ҳоким ёрдамчиси кўмагида олган кредитига 3 сотихлик иссиқхона қуриб, оқ турп етиштирмоқда. Даромади – 15-20 миллион сўм атрофида.

Бундан ташқари, иссиқхона ортдан топган даромадига 15 дона асалари қутиси сотиб олди ва оила аъзоларининг ҳам бандлигини таъминлашга эришди. Натихада, даромад икки баробар ошди.

**Зангиота туманидаги** "Уртаовул" маҳалласидаги Жўраҳўжа Икромов хонадонидagi иссиқхонани икки қаватга мослаштириб у ердан бир вақтнинг ўзида икки хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни помидор ва салат барги етиштирмоқда.

**Янгийўл тумани** "Жамбул" маҳалласидаги Эътибор Солижонов ҳам 7 сотихлик иссиқхонадан самарали фойдаланган ҳолда йилига 3 мартагача маҳсулот етиштирмоқда. Ҳозирда иссиқхонадаги 2 минг 300 туп гулқарам анча етилиб қолди. Май ойининг бошида тайёр маҳсулот бозор расталаридан жой олади. Шундан сўнг иссиқхонага бодринг экиш режалаштирилган.

Туманининг "Қўштепа" маҳалласидаги "НДА ФРУКТ" МЧЖ корхонасига тегишли 1 гектар иссиқхона ҳам юқори даромадга эга. Иссиқхона Корея технологияси асосида қурилган бўлиб, унда 5 хилдан ортиқ гул кўчатлари етиштирилиб, бозорларга пешма-пеш юборилмоқда.

Эътиборлиси, 20 нафар доимий, 30 нафар мавсумий ишчининг бандлиги таъминланган.

Мавсумга қараб, доимий равишда иссиқхонадан фойдаланаётган тадбиркор эндиликда ҳовли гулларидан сўнг тувак гуллари ва қулупнай кўчатлари экишни режалаштирган.



## Сайёр қабул



### "КАБИНЕТ" ДАН КЎРИНМАЙДИГАН МУАММОЛАР

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида Нурафшон шаҳридаги "Nurafshon Business city" маъмурияти биносида фуқаролар учун навбатдаги сайёр қабул бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимликлари мутасаддилари аҳоли томонидан билдирилладиган муурожаатларни ҳал этиш мақсадида қатнашишди.

Кечга қадар давом этган қабулда жами 225 та муурожаат қуриб чиқилди. Шунингдек, 50 дан ортиқ

муурожаатга тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳат берилди.

16 нафар фуқарога эса "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам ажратиладиган бўлди. 65 нафар фуқаронинг муурожаати депутатлар ишчи гуруҳи томонидан ўргани-

лиши тавсия қилинди.

Шу билан бирга, 90 та муурожаатда кўтарилган турли йўналишлардаги масалалар белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиши учун ижрочиларга йўналтирилди. 14 нафар фуқаронинг муурожаати эса амалдаги қонунчилик талабларига мос келмаган ҳолда рад этилди.

Вилоят раҳбарининг сайёр қабуллари давом этади.

## Орамиздаги одамлар

### Умри ибрат ХОЛБОВ

Шундай инсонлар бўладик, улар берилган умрни савоб ишларга бағишлайди, бутун фаолияти давомида элу юртига хизмат қилади, ўзидан иймон-эътиқодли фарзанду шоғирлар қолдиради, юрт равнақи йўлида жон фидолик кўрсатади, фойдали амаллар қилади. Улардаги самимийлик, беғуборлик, биродарлик, жонқуярлик, меҳр-оқибат сингари фазилатлар кўпчилик учун чинакам ибрат мактабидир.

Таъбир жоиз бўлса, биз бугун табаррук ешини нишонлаётгани баҳонасида икки оғиз сўз айтмоқчи бўлган Турсумат Холбоев ҳам ана шундай таърифга лойиқ юртдошларимиздан бири.

Эсимда, 1987 йилнинг июль ойида Турсумат Холбоев билан биринчи марта учрашганим. Мен "Тошкент ҳақиқати" газетасининг қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлардим. Тахририятдан газетанинг навбатдаги сонига Пискент туманида ғўза парваришининг аҳоли ва ем-хашак тайёрлашнинг бориши тўғрисида тахлилий мақола тайёрлаш вазифаси топширилган. Туман раҳбарига режани айтдим. Ўз-ўзидан бу унга ёқинирамади. Лекин бошқа илож йўқ. Шунда менга сафар давомида туман вакили сифатида Турсумат Холбоев бириктирилди.

Уша йилларда у Пискент тумани Халқ контроли кўмитаси раиси сифатида фаолият юритарди. У вақтларда "халқ контроли" деган ташкилот ҳудудда барча соҳадаги ишларни назорат қилар, унинг раиси эса тумандаги масъул раҳбарлардан бири эди. Иккаламиз "Гулистон" жамоа хўжалиги ва "Пискент" совхози далаларини айланганимиз, ютуқлар билан бирга, камчиликларни ҳам аниқлаганимиз. Олинган маълумот ва тахлиллар асосида ёзилиб, газетادا эълон қилинган мақолада ҳам ижобий ишлар, ҳам танқидий фикрлар баён қилинган эди. Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар учун туманининг биринчи раҳбари "юқоридан", яъни вилоятдан жиддий таъбир ашитган. Кейин маълум бўлишича, ўшанда раҳбар Т.Холбоевга

"бунинг олдини олишингиз керак эди", деб таъна қилганда, ўзи гап эшитса ҳам "муҳбир борини қоғозга туширди", деб жавоб берган экан. Шунда бу инсоннинг тўғрисиқлиги тан берганман. Шу-шу йўлим Пискентга тушса, Турсумат ака билан кўришмасдан қайтмайдиغان бўлдим. Унинг ширинсуханлиги ҳақиқатан ҳам кишини ўзига тортарди. Орадан қанча йиллар ўтди. Даврлар, замонлар ўзгарди. Лекин Турсумат Холбоев ўзгармади. Ҳамон ўша-ўша. Тўғрисиқ, камтар, фидойи ва юртпарвар. Назаримда, уни яқинроқ таништиришнинг мавриди келди.

...Турсумат Холбоев вилоятимиз фарзанди. 1940 йилда Пискентнинг оддий чорвадорлар оиласида туғилган, болалик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Қанчалик мураккаб бўлмасин, ўзининг тиришқоқлиги, кучли иродаси, билимга чанқоқлиги туфайли ўқиди, ўрганди, ҳаётда ўз ўрнини топди. Меҳнат фаолиятини 1958 йилда "Пискент" совхозида оддий ишчилардан бошлаган Т.Холбоев кейинчалик Пискент туманидаги 12-сонли ўрта мактабда ўқитувчи, Бука тумани ёшлар кўмитасида бўлим мудири, Пискент тумани партия кўмитасида инструктор, ташкилий бўлим мудири, Халқ контролида кўмита раиси, 1988-1992 йилларда эса туманининг биринчи раҳбари сифатида ишлади. Шундан кейин салкам йигирма йил Тошкент вилояти Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиги лавозимида гоётда самарали фаолият юритди.



### Меҳнат ва масъулият фанларининг ДОКТОРИ

4



### "МОНОМАРКАЗ" — ДОИМО КЎМАККА ШАЙ!

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли — уларни касб-ҳунарга ўқитишдир. Шу мақсадда, Оҳангарон туманининг "Ну-робод" қўргонида замонавий шароитларга эга бўлган Мономарказ барпо этилди.

Марказнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги мутасаддилари, тегишли корхона ва ташкилот масъуллари, нуронийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни туман ҳокими Э.Муҳитдинов очиб бериб, ёшларга ишсиз юртдошларимизни мономарказга жалб қилиш, уларга ҳаётда асқатадиган бирор ҳунарни ўргатиш, эгалланган касби бўйича бўш иш

ўринларини яратиш бугуннинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Эндиликда, ушбу марказда ишсиз ёшлар бухгалтерия, космология, сартарошлик, инглиз тили,

корейс тили, немис тили, веб-дастурлаш, ошпазлик, электролайвандлаш, қандолатчилик, тикувчилик каби йўналишлар бўйича малакали мутахассислардан сабоқ олишлари мумкин.



Ислохот одимлари

# ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК



Ҳар сафар Олмалиққа борганимизда асрларга тенгдош тоғлар, бепоён даштларда яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизни кўриб, улар билан узоқ суҳбат кургимиз келади. Чунки тарих ва келажак туташган бу манзилда асрларга садо бериб, мисгар уста-

нинг маъданга ишлов бераётганини ҳам, янги конни топганидан қувнаётган геологининг шодон ҳайқириғини ҳам, жаҳонга ўзбек тиллоси-ю забаржадларини кўз-кўз қилаётган моҳир қувчининг овозини ҳам эшитиш, кўриш мумкин.

Ер сайёраси – тирик вужуд. Биз унинг таркибини иккига – органик ва ноорганик моддаларга бўлиб ўрганамиз. Бу нисбатда гарчи жонсиз, яъни ноорганик жисмлар бўлса-да, заминимиз биокимёвий жиҳатдан тирик организм ҳисобланади. Негаки, жонсиз муҳитда ҳаёт бўлиши мумкин эмас! Қолаверса, инсоният ўз нигоҳларини олис коинот бўшлиқларига қаратган бўлса-да, Ер сайёраси ҳақидаги билимларимиз ҳаминқадардир. Биргина мисол, инсоният фақат геология нуқтаи назаридан замин бағри бўйлаб бир неча чақирим ичкарига кира олди, холос. Унинг устки қатламлари ва айниқса, ядросида кечадиган жараёнлар ҳақидаги илмий хулосалар нари борса, гипотеза, яъни илмий тахминлардир. Ҳа майли, илмий хулосаларни қўя турайлик, бугун сизларга тупроқдан олтин ундирувчилар ҳақида гапирмоқчимиз.

сўзлари битилган тангалар Мо-вароуннаҳрда Самарқанд ва Бухородан кейинги учинчи ўринда турадиган ана шу зарбхонада тайёрланган. Шулардан бири Аббосийлар халифаси Хуросон ноиб Хорун ар-Рашид (милодий 786-809 й.) замонларига мансуб бўлиб, унинг номидан зарб қилинган тангаларнинг бирида "Шош кони 189 ҳижрий (805 милодий)", бошқасида "Шош кони 190 ҳижрий (806 милодий)" деган ёзувлар бўлган.

## ОҲАНГАРОН – ҚОНЛАР ВОҲАСИ

Чотқол-Курама тоғларида металл олиш эраимиздан олдинги II минг (эраимиз билан IV минг) йилликдан бошланганлиги археологлар томонидан қайд этилган, – деб ёзган эди пискентлик зиёкор Абдунаби Сиддиқов. – Наследовнинг ҳисоби бўйича Илоқ теварагидаги конлардан 4,4 миллион тонна руда қазиб олинган. Эраимиздан олдинги икки минг йилларда рудалар очиқ жойлардан қазиб олинган. Чуқурлар ёриқларидан мис, олтин, кумуш (ёмби) бўлаклари тегиб олинган. Бу Оқтошкон, Кучбулоқ, Облик атрофидаги Кони Мансур, Жигаристон, Ўрғаз конларидир. Фойдали қазилмаларнинг ўзлашти-



Яқинда хизмат юзасидан ҳаммаслар билан яна саноатчилар шаҳрида бўлдик. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган буюк ишларни кўриб, дуо кетган юртларда файз-бароқа аримаслигига юрак-юракдан ҳис қилдик.

Дастлаб борган манзилимиз "Қалмоққир"да Наследовнинг ҳайкали бор. Тўғри, олим XX аср аввалида буюк тадқиқотларни бошлаб берган. Аммо, бу замин остидан топиладиган маъданлар тарихи карвон-карвон тиллоларни қазиб олган ҳақиқий кончилар – аждодларимизга бориб тақалади.

## ЎТМИШГА ҚАЙТИБ...

Манбаларда қайд этилишича, ҳозирги Оққўрғон ва Бука туманлари, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари ўрнида қадимда Илоқ давлати бўлган экан. Тункент шаҳри милодий VII-X асрларда Илоқ давлати пойтах-

ниб, диаметри 1,5 – 2 метр, баландлиги 2–2,5 метрли тўғри тўртбурчак, кейинчалик думалоқ печларда эритилган. Бу печлар асосан чуқурликларда қурилган. Печларни қизитиш учун арчанинг pista кўмиридан фойдаланишган. Битта кон атрофида унлаб, юзлаб шундай печлар бўлган экан. Кейинчалик бундай печлар Абрлиғ, Намудлиғ, Тункент ва Тункент деган металл ишлаб чиқарувчи шаҳарларда ҳам қурилган экан.

Тўртбурчак ва думалоқ печлардан аста-секин цилиндр типидagi печларга ўтилган. Улар оловга бардошли лойлардан ишланган. М. Массоннинг ёзишича, IX-XI асрларда конлардан олинган кумушдан Илоқ (Илакский двор) қимматбаҳо металллар саройида олтин ва кумуш тангалар ҳамда мис чақа тангалар зарб қилинган. Бу тангалар Финляндия, Арманистон, Дания ва Россиядан топилган.

Тўғри, қадим замонларда ҳозиргидек катта металлургия заводлари бўлмаган. Хўш, унда рудалардан олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар қандай ажратиб олинган?

Олтин, мис, кумуш, қўрғошин ва темир рудалари ажратиб оли-



Олмалиқ кон-металлургия комбинати бугун жаҳон иқтисодий мезонларига бўйлаша оладиган йирик тизимга айланди. Комбинат таркибига кирувчи "Қалмоққир" кони, "Сарик чўққи" кони, "Ангрен кон бошқармаси", "Чоодак кон бошқармаси", "Ковулди кон бошқармаси", "Хонжиза кон бошқармаси", "Ёшлик 1" кони каби катта-кичик бўлиналарда бугунги кунда қарийб 40 минг киши меҳнат қилмоқда. Комбинат фаолиятини кузатиб, конларни очиқ ўзлаштириш ва рудаларни ер остидан қазиб олиш, бойитиш, олтин саралаш бўлиқлари, металлургия заводлари, йирик энергетик ва транспорт тизимлари, ривожланган инфраструктура ва ижтимоий объектларни ўзда мужассам этган ўзига хос улкан мажмуа эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Комбинат томонидан ишлаб чиқилган 17 хил маҳсулот дунёнинг 16 та давлатига экспорт қилинмоқда.

## "ЁШЛИК 1"НИНГ ЁШЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Қадимда Тиғ саҳросида бир булоқ бўлган экан. Унинг муздай суви жуда мазали, шифоли экан. Аммо бошқа булоқлардан унинг бир алоҳида фарқи бўлиб, булоқдан бу ерга келган ҳар бир қарвонга етарлича сув отилиб чиқаркан, сўнгра булоқ қурир экан. Яъни сувга етган қарвонда қанча одам, қанча от-туя – улов бўлса, шуларни қондирадиган сув мешларини тўлдирадиган сув чиққан, булоқ кўзи беркилиб кетаркан. Булоқнинг бундай ҳисобли сийловини билиб қолган қарвонбошилар булоққа Шумбулоқ деб ном беришган экан.

Гап шундаки, ҳар бир авлод ўз ризқи билан дунёга келади. Олмалиқда Президентимиз тақдифи билан юз очган «Ёшлик 1» кони ҳам Янги Ўзбекистоннинг ёшлари, янги авлоди учун очилгандек гўё. Илм-фан ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида янги конлар ўзлаштирилиб, ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошмоқда. Хусусан, бир пайтлар фаолиятини биргина "Қалмоққир" кони билан бошлаган бу комбинат бугунги кунга келиб ўнлаб конларни, завод ва фабрикаларни ўзда бирлаштириб, ўз тараққиётининг том маънодаги янги босқичига етиб келди.

Бундай дейишга асослар етарли. 2017 йилнинг 11 август кунини Шавкат Мирзиёевнинг Олмалиқ шаҳрига ташрифи давомида "Ёшлик 1" конини ўзлаштиришга старт берилди. Коннинг "Ёшлик 1" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Ушанда давлатимиз раҳбари ташриф доирасида бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашди. Мулоқотда ёшлардан бири биз, ёшлар ушбу конда ишлашга тайёремиз ва бор кучимизни сарфлар этамиз, дея ваъда берди. Давлатимиз раҳбари олмалиқлик ёшларнинг шижоатидан завқланиб, янги конни "Ёшлик 1" дея номлашни таклиф қилган эди...

Шундай шижоатли ёшлардан бири ушбу коннинг карьер қурилиши бўйича етакчи муҳандиси Саидахорр Ҳасантоевдир.

– Биз учун қадрли "Ёшлик 1" конида ишлаётганимга икки йил бўляпти, – дейди Саидахорр. – Болалигимда дадам ҳам кунини эрталаб кончиларнинг сариқ каскасини кийиб, тоғларда юришга мослашган машинасида ишга отланганини кўриб, ҳавас қилардим. Мактабга боргим келмай деярли ҳар кун дадам билан конга бораман деб хархаша қилардим. 7 ёшимда дадам бир маротаба конга олиб борди. Шунда қондаги ҳар хил баҳайбат техникалару темир йўл қарвонларига махлиё бўлиб қолгандим. Чунки бепоён майдонда махсус машиналарда туядек лўкиллаб кетаверасиз, кетаверасиз... Ойим "Бу ҳам сизга ўхшаб қончи бўлади, чоғи", дея куларди. Шунда дадам "Ким бўлса ҳам ўз касби-

ни севсин, шунда умри бекор кетмай, ўз соҳасининг энг зўри бўлади", дерди. Бу гаплар кечадек ёдимда. Шундай қилиб, дадам билан конга бориб-келиб юриб кон ва техникага бўлган меҳр-муҳаббатим кундан-кунга ошиб борди. Вақт ўтиб, бир соҳанинг бошини тутиш вақти етганда ҳеч иккиланмай қончиларни танладим. Давлатимиз кўмагида бир гуруҳ ёшлар қатори Россияда кон иши йўналиши бўйича амалий кўникмаларга ҳам эга бўлдик. Турли ерости ва ерусти конларида амалиёт ўтадик, янги технологиялар билан танишдик. Ўқшни битиришимиз билан "Ёшлик 1" конига ўз мутахассислигимиз бўйича ишга жойлашдик. Ҳақиқатан ҳам, дадам айтганидек, одам ўз касбини севиши керак экан. Менинг ҳам ўз касбимга меҳрим бўлак, эрталаб ишга келганимни биламану, қандай кеч бўлганини фаҳмлай олмай қолам. Ҳозирда дадам пенсияда, конда ишлагани учун имтиёз асосида йилга икки-уч маротаба санаторийга йўллана олади. Шунингдек, комбинатимизда ёшларга ишлаш ва шахсий эҳтиёжлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Чунки Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни, унинг амалиёти комбинат ёшлари ҳаётида чинакамига қуча қирган, дейиш мумкин.

Саидахоррнинг сўзларига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ёшларнинг меҳнат қилиши, тажриба орттириши, ўқиб-ўрганиши учун қилинган шароитлар, устоз-шогирдлик аънаналари қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, уларнинг маънавияти, саломатлиги учун берилажак рағбат ва имтиёзлар ҳам бундан кам эмас.

Мисол учун, комбинат келажак бўлган ёшларнинг интеллектуал маҳорати ва салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида «Энг яхши эритувчи», «Энг яхши металлурги», «Энг яхши лаҳм ўтвучиси», «Энг яхши энергетик», «Энг яхши механик», «Энг яхши бойитувчи», "Энг яхши ҳисобчи", "Энг яхши китобхон" ва бошқа кўплаб шу каби мусобақалар ўтказиб келинади.



ти бўлган. И.М.Мўминов, Ю.Ф. Буряков ва Абдулахад Муҳамеджонов каби тарихчи олимларнинг асарларида ёзилишича, Илоқ давлати VII-X асрларда ўзининг олтин, кумуш, мис конлари билан донг чиқарган. Илоқнинг бу конлари Афғонистоннинг машҳур Панжқир конларидан қолишмас экан.

Айниқса, ўша пайтларда Олмалиқ ҳудудидаги Қўхи сим кони жуда машҳур бўлган. М.Е.Массоннинг айтишича, бу коннинг қолдиқлари Конимансур (ҳозирги Қалмоққир) яқинидаги Далон қишлоғи ўрнида топилган. Кумуш, қўрғошин, мис рудаси жуда кўп чиқарилгани учун Тункентда зарбхона очилган. "Шош кони"





# ТУТАШГАН МАНЗИЛ



## “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” САРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги қарори комбинат фаолиятида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Бу қарор билан янги металлургия комплекси ва 3, кейинчалик 4 ҳамда 5-мис бойитиш фабрикаларини барпо этиш орқали мис ва олтин ишлаб чиқариш

комплекси бунёд этилади. Бугунги кунда янги мажмуа қурилиши бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Кейинги босқичда 2028 йилга қадар карьер янада кенгайтирилади, йилига 60 миллион тонна маъдани қайта ишловчи янги 4-мис бойитиш фабрикаси қурилади. Шу ўринда, комбинат захматли қашлари кўтарган улкан “хирмон” хусусида бироз тўхталасан. Кўп

панияси амалга оширяпти. Лойиҳа доирасида, шунингдек, 650 мегаваттлик электр тармоғи ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилди. 3-мисни бойитиш фабрикаси комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватини нафақат бир неча баробар оширади, балки мис саноати кластери, кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда автомобилсозлик тармоқлари ривожланишига хизмат қилади. Мисол учун, фабрика ишга тушганда зарур бўладиган 24 турдаги кимёвий реагент ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш ҳажмининг янада оширишга туртки бўлади. Мис кабель сим, мис кукуни, мис фолгаси каби юқори қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали мисни қайта ишлаш ҳажми 50 фоиздан 80 фоизгача етказилади. Исмоилхон майдон четида саф тор-

тиб, тажрибали мутахассиснинг суҳбатини тинглаётган ёшларга ишора қилди: – Бу йигит-қизлар амалиётчилар. Уларга техника хавфсизлиги қоидалари мукамал ўргатилгач, сўнгра ишга жалб қилинадилар. Лекин, жудаям бахтли ёшлар эканда булар! Исмоилхоннинг табассум билан “Жудаям бахтли ёшлар эканда!” деб нимага ишора қилганини амалиётчилар билан суҳбатлашгач, билиб олдик. Юраги ҳам, кўзлари ҳам ёниб турган йигит-қизларнинг айтишича, айнан биз турган баландликда келажакда ёшлар хиббони ташкил қилина экан. Никодан ўтган келин-куёвлар чор-атроф кафтдек кўриниб турган мана шу гўзал хиббонларда сайр қилиб, энг бахтли лаҳзаларини ўтказар эканлар. Тасаввур қилинг. Турмуш қураётган ёшларимиз эл-юртимизнинг нури келажакда учун тиллолар қазиб олинаётган тоғлар бағрида, Олмалик шаҳри, Пискент ва Оҳангарон туманлари кафтдек кўриниб турган баланд чўққидида гўзал хиб-

бугунги кунда вазирлик таркибида фаолият кўрсатаётган Геология фанлари университети, Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети, Тошкент шаҳридаги Пиза университети филиали, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси “Миллий технологик тадқиқотлар университети” МИСИС’нинг Олмалик шаҳридаги филиалида таълим, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада етакчи хорижий мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда. Масалан, Геология фанлари университети Италия, Германия, Жанубий Корея, Япония, Туркия, Хитой, Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларидаги 25 та ОТМ билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Истанбул техника университети, Кюнгвон университети, Қозон федерал университети, Хитой геофанлар университети шулар сирасига қиради. Шу билан бирга, университет таълим жараёнига “ТОП – 100” таликка қирадиган М. В. Ломо-

таълим муассасаси “Миллий технологик тадқиқотлар университети” МИСИС’нинг Олмалик шаҳридаги филиалида беш ярим йиллик таълимдан сўнг, жорий йилда 74 нафар талабага “Кон муҳандислари” мутахассислиги бўйича дипломлар топширилди. “МИСИС’нинг Олмалик филиали 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, ўқув жараёни Ўзбекистон давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда “МИСИС” МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар асосида амалга оширилади. Бугунга қадар университетда тоғкон саноати соҳасининг йўналишлари бўйича 241 нафар мутахассис тайёрланди. Филиал томонидан “Олмалик КМК” АЖнинг ишлаб чиқариш корхоналарида мутахассислик кафедраларининг 5 та, “Оҳангарон труба-металлургия заводи”да 1 та филиали очилди ва уларда “Дуал” таълим тизими асосида ўқув жараёни ташкил этилган. Комбинат расман ташкил топганига 74 йил бўляпти. Бу вақт



риш ҳажмининг 3 баробар ошириш белгиланди. Мазкур лойиҳалар уч босқичда амалга оширилмоқда. Жумладан: – биринчи босқичда 290 минг тонна мис; – иккинчи босқичда 400 минг тонна мис; – учинчи босқичда 500 минг тонна мис ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Халқаро экспертлар фикрича, 2030 йилга бориб электромобиллар ишлаб чиқариш, электротехника ва қайта тикланувчи энергия манбалари ривожланиши ҳисобига жаҳонда мисга бўлган талаб 40 фоиз ўсиши кўтилмоқда. Мамлакатимизнинг мис саноатидан олган даромади айти пайтда 2,5 миллиард долларни ташкил этади. Мис ишлаб чиқариши 400-500 минг тоннагача ошириш билан бу кўрсаткич турдош тармоқларни ҳисобга олган ҳолда 7-8 миллиард долларга етиши назарда тутилмоқда.

минг кишилик жамоанинг аҳил ва уюшқоқликдаги меҳнати эвазига ҳар йили барча кўрсаткичлар орттиги билан бажарилмоқда, маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортган. – Ушбу лойиҳанинг дастлабки босқичини амалга ошириш доирасида 3-Мис бойитиш фабрикаси қурилиши кўзга тутилган, – дейди шу корхона етакчи муҳандиси Исмоилхон Ваҳобов. – Фабрикада бугунги кунда қурилиш ишлари билан биргаликда асосий технологик ускуналар ҳам ўрнатилмоқда. Лойиҳалаштириш ишларини Италиянинг “Wood”, техник жиҳатдан баҳолаш ва қабул қилишга Буюк Британиянинг “Technip Energies” компаниялари жалб қилинган. Қурилиш ишларини “Enter Engineering” ком-



“Ёшлик-1” кони ҳудуди 11 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган. Маълумотларга кўра, унда мис 45,3 миллион тоннани ташкил этади. Бундан ташқари, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металллар бор. 2017 йилда 3-4 миллион куб метр устки қатламни очиш ишлари бажарилган эди. 415 миллион долларга 600 га яқин замонавий кон техникаси харид қилинган, самардорлик янада ошди. Энди йилига 40 миллион куб метрдан кўпроқ устки қатлам очилмоқда. Утган вақт мобайнида инвестиция лойиҳаси доирасида 190 миллион кубметр кон юзаси очилиб, жами 3,1 миллиард доллар инвестициялар ўзлаштирилди. 32,1 километр янги темир йўл қурилди. Тоғ жинсларини узлуксиз ташиш технологиясини қуриш учун 5,6 миллион куб метрдан зиёд ер ишлари бажарилди. Мегалойиҳанинг иккинчи навбатда мис эритиш заводи ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Янги мис бойитиш фабрикасидан олинган мис концентратини қайта ишлаш учун умумий қуввати 300 минг тонна мис чиқаришга мўлжалланган янги металлургия

бонларда ҳаётнинг энг қувончли лаҳзаларини ўтказсалар-да, сўнгра “Ер-ёр” садолари остида осто-наси тилло хонадонга йўл олишса! **МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ** Ҳар бир соҳа ривожидида малакали ва замонавий кадрлар муҳим аҳамият касб этади. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳам бунга алоҳида эътибор яратмоқда. Хусусан,

носос номидаги Москва давлат университети билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Геофизика бакалаврият таълим йўналиши бўйича икки дипломи “2+2” йиғма таълим дастури жорий этилди. Ушбу дастурда бугунги кунда 22 нафар талаба ўқияпти. Томск давлат университетидида Фойдали қазилмалар геологияси магистратура мутахассислиги бўйича “1+1” қўшма таълим дастурида жами 25 нафар талаба таҳсил олмоқда. Геология фанлари университети таркибида 4 та илмий-тадқиқот институти – Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Минерал ресурслар институти, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти фаолият кўрсатмоқда. Тошкент шаҳридаги Пиза университети филиалида Умумий геология бакалаврият таълим йўналиши бўйича 110 нафар талаба кундузги бўлимда таҳсил олмоқда. Утган йили университет томонидан Жанубий Корея, Япония ва Россия давлатларининг геологик ташкилотлари билан ҳамкорликда учта лойиҳа амалга оширилди. 2024/2025 ўқув йилида қўшимча учта таълим йўналиши фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган. Федерал давлат автоном олий

оралигида ушбу даргоҳда қанчадан-қанча юртдошимиз меҳнат қилди, қора қозонини қайнатди. Комбинат ҳам ўз ишчи-ходимларини доимо эъзозлайди. Шу сабабли, комбинатнинг ҳар юбилейида ишчи-ходимлар учун кўп қаватли уйлар қурилади, истироҳат боғлари барпо этилади, болалар боғчалари очилади. Шу ўринда, комбинатнинг қасаса уюшмалари фаолиятининг ишчи-ходимларга кўрсатаётган ғамхўрликларини ҳам эътироф этиш зарур. Хуллас, комбинатда ишлайдиган юртдошларимизнинг барчаси фидойи инсонлар. Шу ўринда, қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисралари ёдга тушади: *Сочилиб ётади олтин ва гавҳар Тоғларнинг қаърида ё кумлоқ сойда. Кимдир захмат чекиб йиғмаса агар, У пинҳон бойликдан, айтмиг, не фойда.* Яхши кўнгилли одамлар, ақли-хушли болалар кўп юртларга Яратган мана шундай битмас-туганмас бойликларни бериб қўяди. Оналар фарзандларини “Тўпроқ олсанг, олтин бўлсин!” деб дуо қилган жойларда файз-барака бўлади!

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ, Муроджон РАҲМАТОВ, Жалолиддин ЭСОНОВ (суратлар) “Тошкент ҳақиқати” мухбирлари





"Тошкент ҳақиқати" йўқлови



Даврада ёшгина йигит ҳеч кимга навбат бермай, бийрон-бийрон гапирарди. Ҳақдорлардан иш ўрганиб қайтибди. Бир йилда ҳўжалик юртишнинг ипидан игнаси-гача ўзлаштириб келганмиш.

орасида ўша кезларда ёш, иқтидорли тадқиқотчи, изланувчан мутахассис, "Қизил шалола" таянч тажриба ҳўжалиги бош зоотехниги Мирзамашраб Кучиевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди!

Дарвоқе, ҳикоямиз айна шу инсон ҳақида.

Бугунги тил билан айтиладиган "резюме"дан қисқача маълумот:

Куччиев Мирзамашраб Раззоқович. Тошкент вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлигининг биринчи

Гарчи илмий-тадқиқот ишларига иштиёқи баланд бўлсада, устозлари ундаги ташкилотчилик қобилиятига, айниқса, юқори баҳо беришар эди. Шу боис Мирзамашраб Раззоқович илмий фаолиятини ҳам, ҳўжалик ишларини ҳам баъбарав олиб борди. "Қизил шалола" тажриба ҳўжалиги сутчилик комплекси бошлиги, бош зоотехниги, ҳўжалик директори лавозимларида ишлади.

Мирзамашраб акани бугун ҳам "ҳоким бува" деб алқашади. У бунга том маънода муносиб. Меҳнат фа-

нинг юзи ёруғ бўлди.

Бошқа соҳаларда ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланди, албатта. Ушбу сатрларни ёзарканман, каминангизнинг ҳам кейинги қарийб 20 йиллик меҳнат фаолияти Тошкент вилояти билан боғлангани табиий равишда ёдга келади.

"Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги" журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаган вақтларим эди. Бир кун тахриратимизга қадрдонимиз, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир кириб келди. Вилоят ҳокими Мирзамашраб Куччиевнинг саломини етказиб, гап орасида у киши иш тақлиф қилаётганини айтди. Мен тахминан қандай лавозимга чақирилаётганимни англагандек бўлдим. Чунки, бир ҳафта аввал мамлакатда маънавий-маърифий ишларни янада

ли-ҳануз англай олмайман. Билганим шуки, у киши бир вақтнинг ўзида жуда кучли нотик ва психолог ҳам эди. Кимга нимани, қандай гапиришни жуда яхши биларди.

Ҳокимдаги ана шундай ноёб қобилиятни иш фаолиятининг дастлабки кунларида бўлиб ўтган яна бир воқеа билан ҳам изоҳлашим мумкин. Вилоятда маънавий-маърифий ишларнинг таҳлилига оид йиғилиш бўлди. Шу мажлисда мени ўша кезлар Бош вазир ўринбосари Рустам Қосимов (охирати обод бўлсин!) вилоят ҳокимининг шу соҳага масъул ёрдамчиси сифатида таништирди. Лавозимини обрў-этиборини янада кўтариш мақсадида кўплаб вазифаларни топширди. Залдагиларнинг кўпини ўз устида ишласликда, маънавий-маърифий

— Янги ишга тайинланган ёрдамчимиз фаолиятимни кимидир ишдан бўшатилган билан эмас, бирор хайрли иш билан бошласам, деяпти.

Бу фикр мулозимга маъқул тўшди, чамаси. У тарафдан менга бошқа — ҳоким таъбири билан айтганда бири-биридан жўяли ва хайрли топшириқлар беришди...

Бу Мирзамашраб Куччиевдаги вазиятни баҳолаш, топқирлик қобилиятининг шунчаки, оддий бир кўриниши эди.

Амалдорлар билан гаплашиш, мулоқот қилиш ҳам бир нозик ва мураккаб иш. Айтиш жоизки, биз бундан аввал ҳам, аниқроғи, ёшлик кезларимиз Куччиев билан Қўрай тумани ижроия кўмитасида ҳам бир муддат бирга ишлагандик. Шундай бўлсада, мен ўртамаздаги тафовутни ҳис қилардим — у киши вилоят ҳокими, мен у кишига масъул ёрдамчи эдим, табиийки, гап-сўзимни, муомалани ҳам шунга мослашим лозим. У киши эса аксинча — аввал қандай бўлса, шундай муомалада бўлганини яхши эслайман...

Бир гал вилоят ҳокимининг ёшлар билан учрашуви ташкил қилинди. Ўша мулоқотда мен ҳам бор эдим. Ҳоким ёшларни алқайди ва уларнинг фикрларини эшитди, кейин вазифаларни белгилаб берди.

Ингилишдан сўнг ҳоким билан фикр алмашдик. Табиийки, мен йиғилишни, ҳокимнинг топқирлигини ми-



"Тошкент ҳақиқати" архивидан. Тошкент вилояти ҳокими М. Куччиев болажонларга Янги йил соғвоналарини улашмоқда. 2005 йил, 31 декабрь

# Меҳнат ва масъулият фанларининг доктори

Тажриба орттирган жойи у жойнинг йирик чорвачилик комплексларидан экан. У ерда ҳамма иш автоматлаштирилган, компютерлаштирилганмиш. Ҳўжалик сизирлари зотдор, егани ширали, ичадигани мазали эмиш. Жониворларга рацион кунлик олинмиш керак бўлган сут маҳсулотига қараб белгила-наркан. Режа аниқ, ҳар бир ҳаракат ва вақт ана шунга кўра тақсимланаркан. Энг муҳими, тартиб, интизом биринчи галда экан. Буни қарангки, тилсиз жониворлар ҳам худди шу тартибга кўника-кан — ортиқча "ғиқ" этмасмиш. Ҳўжаликда ҳар кунги ўрта ҳисобда ўн тонна сут соғиб олинар ва шу дамдаёқ қайта ишлашга йўналтириларкан...

Даврадагиларнинг бири гапни бўлди: — Сиз Америка ҳақида гапиряп-сизми ёки ўзимизнинг "Қизил шало-ла" тажриба ҳўжалигининг бундан қирқ йил аввалги иш фаолиятдан гурун беряпсизми?

Даврада "гурр" кулгу кўтарилди. Чунки, кекса чорвадорлар ҳам ишти-рок қилаётган бу машварат Қўрай туманининг Май қишлоғида бўлаёт-ган эди. Утирганларнинг аскарияти ўз ҳўжаликларидан уша йилларда иш қандай ташкил этилганлигини яхши билишарди. Бу лутфу мутўйбадан кейин улар ҳам ўзлари ишлаган ўша йилларни эслашган бўлишса ажаб эмас.

Қўрай тумани, Май қишлоғи-даги "Қизил шалола" таянч тажриба ҳўжалигида машхур сут соғувчи, Меҳнат қаҳрамони Анастасия Чудная меҳнат қилган. Унинг бир ўзи "Там-дем" деб номланган сут соғиш аппа-ратидан бир вақтнинг ўзида саккизта сизирни соғарди. Говмишлар ана шу аппарат ўрнатилган жойга "навбат кутарди" гўё. Бу — ҳазил эмас. Чунки сут соғиб олинган молларни "чиқиш зали"да хушхўр озуқа кутиб турган бўларди-да...

Машхур сут соғувчининг асосий вазифаси аппарат олдида келиб тур-ган соғин сизирларнинг елинига ва-кумми молнамани ўрнатиш ҳамда соғиб бўлинганидан кейин ажратиб олишдан иборат эди. Соғиб олин-ган сут оппоқ қувурларда қадоқлаш цехига оқиб бораварди. Меҳнат қаҳрамони ҳар кун икки юзга яқин сизирни бир ўзи соғар, сут микдори эса беш тоннадан ошарди. Ҳар бош сизирдан 25 литрдан зиёд! Бу комплексида тайёрланган ялли сут маҳсуло-тининг қарийб ярмига тенг эди. Ўша йилларда Чудная тажрибасини оммалаштириш ҳақида республика раҳбар ташкилотларининг қарорлари қабул қилинган, жойларда "Чудная мактаблари" ташкил қилинганни бугун ҳамма ҳам билавармас керак.

Албатта, ютуқлар, натижа-лар Анастасия Чудная номи билан боғлангани билан, ас-лида ана шу натижалар за-мирида кўп сонли олимлар, мутахассисларнинг илмий изланишлари, амалий тажри-балар муҳассам эди. Улар



Нотиқлик ҳам раҳбарга зўр фазилат.

ўринбосари.

1954 йилда Бухоро вилояти, Қо-рақўл туманида туғилган.

1977 йилда Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтини тугатган. Маъ-лумоти ҳўйича мутахассислиги зоо-муҳандис, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди, доцент. "Дўстлик" ордени билан мукофатланган.

Бори шуми дерсиз? Йўқ. Мирза-машраб Раззоқович намунали ҳаёт йўлини босиб ўтмоқда. У ўз умри да-вомида мақсад аниқ бўлса, билим, интилиш, маҳнат ва албатта, масъу-лият билан исталган чўққини эгала-лаш мумкинлигини исботлаб келади. Биз сал аввалроқ бу кишини қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди эканини айтдик. Бу давлат олий аттестация комиссия берган расмий бир мақом. Мирза акани таниган ва билганлар эса ҳеч шубҳасиз, бу инсонни меҳнат ва масъулият фанлари доктори деб тан олади!

Ўрта мактабни битирган, у дастав-вал қишлоғида сувоқчилик қила бошлади. Гапдан гап чиқиб, кекса ҳамқишлоқларидан бирининг "Чорва-нинг бошини ушла, ўғлим, шу касбда барака бор", дегани ҳамон ёдида. Ана шу даъват уни олий даргоҳга етаклаб келди. Илмий иш қилиш иштиёқи эса бутун умрга Тошкент вилояти билан боғлади. Май қишлоғидаги Ўзбе-кистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида академик Шавкат Ак-махлонов бошчилигидаги етук олим-ларнинг этагидан тутди.

опиятининг катта қисми ҳокимлик билан боғлиқ. 1997 йилда Қўрай тумани ҳокими этиб тайинланган Мирзамашраб Раззоқович бу лавозимда кўп йиллар самарали ишлади. Сўнгра эса Паркент туманига раҳ-барлик қилди. Бекобод ту-мани ҳокими бўлиб ишлаган кезларида далаларни хизмат машинасида эмас, велосипедда кездди. Одам-ларга яқинлиги, уларни эшити олиши, боз устига тадбиркорлиги ва ишбил-лармонлиги унга катта об-рў-этибор олиб келди. У раҳбарлик қилган туман-ларда белгиланган режа-лар ҳамини олтиги билан уддаланди.

2005 йилда Мирзамаш-раб Куччиев Тошкент ви-

такомиллаштириш ҳақида Президент фармони чиққан ва ана шу фармон билан вилоят ҳокимининг маънавий-маъ-рифий ишлар бўйича ёрдамчиси лаво-зимини жорий этилган, давлат раҳбари имзолаган ҳужжатда бу вазифа мақо-ми бўйича вилоят ҳокимининг ўринбо-сарига тенглаштирилган эди.

Шунга қарамай, тақлифга рози бўлмадим. Чунки давлат хизматида узоқ йиллар ишлаб, ниҳоят журна-листикага, ўз касбимга, ижодимга қайтгандек эдим. Уч ойда бир мар-та аранг 300-400 нусхагина чиқаёт-ган, қарийб унутилаётган журнални қайта жонлантириш, деярли тарқаб кетган тахрират жамоасини шакл-лантириш, ўта илмийлашиб кетган аграр соҳа журнали тилини деҳқон тушунадиган тилга ўгириш қанчали машаққатли бўлса, шунчалик завқ-ли эди. Бос устига, қисқа муддатда меҳнатларимизнинг дастлабки сама-ралари бўй кўрсатиб, журнал адади

соҳага бепсандликда айблади. Ўз сўзларини исботламоқчи бўлдими, ҳар қалай, йиғилиш иштирокчиларига саволлар бериб кўрди.

Уша вақтда Ангрен шаҳрида бош имом-хатиб бўлиб ишлаган Хай-рулла домла Турматов (Бу инсон ке-йинчалик вилоят имом-хатиби бўлиб ҳам хизмат қилди. 2020 йилда ковид туғайли вафот этди. Аллоҳ раҳмати-га олган бўлсин) саволларга жуда ра-вон, ақл-фаросат билан жавоб берди. Боз устига, Хайруллахоннинг жаво-бида мулозимнинг айрим мулоҳаза-ларига жуда нозик ва илмий йўсида эътирозлар ҳам мужассам эди. Бутун вилоят фаоллари жамланган ваҳи-мали ташкилий йиғилишдаги бундай ҳозиржавоблиқни бетгачопарлик деб қабул қилган мулозим бирдан жаҳл отига минди, жавоб берувчининг гап-ларини бўлиб, қайтариб ташлади ва менга юзланди: — Ҳозирқоқ аризасини олинг. Ари-за эртага эрталаб менинг иш столим устида бўлсин, — деди.

Мен эътироз билдира олмадим. Тўғрироғи, эътирознинг ўрни эмасди. Йиғилишдан сўнг имом билан суҳ-батлашдим. У киши Ҳаж сафарига отланаётган экан. Зияратчига оқ йўл тилаб, хайрлашдик.

Ҳамма жанжал эртаси эрталаб-дан бошланди. Топшириқни бажар-маганим учун сиқувага олиндим. Мен ҳам бўш келганим йўқ. "Мен давлат хизматчиси, ҳокимият вақили бўл-сам, нега энди имомнинг аризасини мен олишим керак, ана, Мусулмон-лар идораси бор, бу иш билан улар шуғуллансин", деган иддаони маҳкам ушлаб олдим. Ўзбошимчалиқда, "ақлли"ликда айбландим. Бу жанжал икки кун давом этди.

Бу серташвиш ишга негаям кел-дим, дейман ўзимга.

Ана шу ҳаёллар билан вилоят ҳокимининг қабулига кирдим. Мир-замашраб Раззоқович гапларимни диққат билан эшитди. Муносабат билдирмади. Ҳукумат телефони кўтарди. Ўша мулозим билан боғлан-ди. Салом-алиқдан сўнг вилоятда маънавий-маърифий ишларни шахсан ўзи назоратга олганини, бу ишда у ки-шининг маслаҳату тавсияларини жуда кўл келаётганлигини дипломатлик билан таъкидлади.

Кейин муддаога ўтди.



Дилбар шоира Турсуной Содиқова билан. Мирзамашраб Раззоқович раҳбарлик қилган ҳудудларда адабиёт ва маданият вақиллари билан тез-тез учрашувлар ўтказилар эди. Ҳозир-ги айрим туман ва шаҳар ҳокимлари учун ҳўб ибратли сурат...

лоят ишқиси этиб тайинланди. Бу жуда масъулиятли вазифа эди. Ўша йилларда раҳбарга баҳо берадиган энг асосий кўрсаткич пахта режаси эди. Вилоятда кейинги йиллар ана шу борада сурункасига оқсоқлик ку-затилаётганди. Мирзамашраб ака раҳбар бўлган, тўғри деҳқонлар ора-сига кириб кетди, уларнинг муаммо-ларини ўрганди, дардларига қўлоқ тутди. Пахтанинг навидан тортиб сувийо ўғитигача бўлган барча агро-техник жараёнларни шахсан назорат қилди. Хуллас, ўша йили вилоятда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди — маълум муддатлик танаффусдан сўнг яна тошкентлик пахтакорлар-

тўрт-беш баробар ўсган, ҳар ойда йунтазам чиқиб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлай оладиган даражага етганди. Саъй-ҳаракатларимиз муас-сисимиз — қишлоқ ҳўжалиги вазирли-гига ҳам маъқул келиб, ўша кезлар Бош вазир ўринбосари ҳисобланган вазиримизнинг қўллови билан тахри-ратга бино ва хизмат автомашинаси ҳам ажратилган эди.

Хуллас, Мирзамашраб Раззоқо-вичнинг қабулига борадиган, тақлиф учун миннатдорлик билдириб, рад жавобини айтиб келадиган бўлдим.

Бироқ вилоят ҳокимининг қабули-га журналчи бўлиб кириб... ёрдамчи бўлиб чиқдим. У киши мени қандай сеҳрлади, қандай кўндирди — ҳа-

соллар билан мақтадим. Суҳбатдо-шим гапимни бўлди.

— Сиз мени эскитдан биласиз, шунинг учун менга кўпроқ камчилик-ларим ҳақида гапиринг, Раҳматилла ака, — деди вилоят ҳокими.

Бу самимий айтилган гап эди. Шунинг учун бу борада айрим му-лоҳазаларимни баён қилдим. Улар маъқул келди чамаси, ҳоким бундан бўён барча йиғилишларда қатнашиб, шунақа танқидий фикрларни айтиб туришини тайинлади.

Залда ўз "танқидчи" ўтиганини ҳис қилган раҳбар йиғилишларга пух-та ва жиддий тайёрларик кўрар ва шундай бўлса ҳам, ўз чиқишларида-ги эътирозларни эшитишдан завқла-нарди.

Ўз фаолиятига ана шундай танқид-ий кўз билан қараш, маддоҳликдан эмас, танқиддан ҳам керакли завқни ола билиш раҳбарга яхши фазилат экан, бугун уйласам...

Хуллас, ҳокимлик қаҳрамонимиз-нинг пешонасига, аниқроғи, меҳнат дафтарчасига энг кўп ёзилган лаво-зим экан. Мирзамашраб ака орада анча танаффус бўлганига қарамай, яна бир муддат Бука туманига ҳоким-лик қилганини сал қолса унутаёзим-миз. Демак, Мирзамашраб ака жами тўрт туман ва бир вилоятга раҳбар-лик қилган тажрибали ҳокимлардан, бинобарин, уни ханузгача "ҳоким бува" деб алқашлари тасодиф эмас...

Мирзамашраб Раззоқович ҳавас қилса арзуғулик оила бошлиғи. Тур-муш ўртоғи Барноҳон билан олти фарзандни тарбиялаб, воёга етка-зишди. Катта ўғиллари Улўғбек ота изидан борди. Фан доктори. Масъул вазифада ишлади. Ҳасан ва Хусан — ҳуқуқшунос. Қизлари Феруза — иқти-содчи. Флюра ва Юлдуз олий тоифа-ли шифокорлардир. Набиралар ва уларнинг ютуқлари ҳақида ҳам сўз оқсак, яна кўп саҳифалар бетини қо-ралашга тўғри келса, ажабмас.

Қолаверса, пайти келиб неваро-эвараларнинг ютуқлари ҳақида Мир-замашраб бобо билан Барно аянинг ўзлари муҳбирларга завқ-шавқ билан сўзлаб берадилар.

Биз эса, ҳозирча Мирзамашраб дўстимизни етуклик ва донишманд-лик фасли билан, табарруқ етмиш ёш билан қўтлаб, гапни мухтасар қиламиз.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси





Йиллари унинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган айрим ишлар ва факт-рақамларни келтириб ўтайлик.
Маълумки, пахта яккахожимлиги даврида қишлоқ ҳўжалигида пахта тайёрлаш режасини бажариш энг асосий кўрсаткич бўлиб келган. Туман раҳбари сифатида бундан четда қолмаган Турсумат Холбоев бу ишни иложи борича техника ёрдамида уддалашга ҳаракат қиларди. Хусусан, 1989 йилда туманда пахта сотиш режаси октябрь ойидаёқ бажарилиб,

бирга, туман раҳбарининг одамлар рўзгорига энг зарур маҳсулот бўлган гўшт етиштириш борасида қилган тadbиркорлигини ҳам кўпчилик ҳалигача эслаб юради.
Шу йилларда ижтимоий соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунга кичик бир мисол. Икки йил ичида Пискент шаҳрида бюджет ва корхоналар маблаг ҳисобидан 1000 ўринли болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди ва амалда ота-оналарнинг боғчага навбат туришига барҳам берилди.

Шу йиллар ичида у мамлакатимизда қозоқ халқининг миллий аянана ва қадриятларини сақлаш, ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлида тинмай меҳнат қилди. Унинг ташаббуси билан таниқли маданият арбоблари, ёзувчи ва тарихчилар иштирокида ўзбек ва қозоқ халқларининг кўплаб улуг сиймолари ва ёзувчи-шоирларининг хотира кечалари, шунингдек, маданий-маърифий тadbирлар

Яна бир гап шуки, шу йиллар ичида юзлаб, балки миңлаб ёшларни тарбиялаб, "устоз" деган юксак мақомага эга бўлди.
– Умр вафо қилса, бу йил 84 ёшга кирман, – дейди Турсумат Холбоев. – Минг ойининг юзини кўрган инсонлар қаторида фаришталар айланиб юради, дейишади. Шу сабаб дуоларимиз ижобат бўлармиш. Дунёда тинчлик, озошлик, деган улуг сўзлар бор. Одамлар бир-бирларига яхшилик соғинган, яхши ютуқларини бир-бирига илинган юртда тинчлик ва озошликнинг умри узундир. Кўз тегмасин. Ўзбекистонимиз кун сайин чирой очиб, ҳамма жаҳдада ривожланиб бормоқда. Мана шундай шукўҳли кунларга етказганига шукўр. Бу жараёнларга бош қўшаётган барча мўътабар инсонларга фақат соғлиқ, омонлик ва яхшилик тиламан. Илоҳо тинчлигимиз абадий, халқимиз омон бўлсин. Фарзанду набираларимизга бундан ҳам нурафшон келажак насиб этсин.

# Умри ибрат ХОЛБОВ

давлатга 43 500 тонна ўрнига 48 660 тонна пахта топширилган. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми 420 та пахта териш машинаси ёрдамида йиғиб-териш олинган. Ваҳоланки, авваллари пахта теримида вилоят ва Тошкент шаҳри туманларидан 15 000 нафаргача ёрдамчи жалб этилган.

Турсумат Холбоевнинг ҳаёти ва фаолияти давомида шу эл, шу юрт учун қилган хайрли ишлари, ташаббуслари тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Лекин унинг ўзига билдирилган ишончини оқлаш учун катта масъулият ва фидойилик билан бажарган яна бир вазифаси тўғрисида тўхталмасдан бўлмайди.

ўтказилди. Дарвоқе, оқсоқол айни пайтда марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари сифатида бундай эзгу ишларни давом эттириб келмоқда.

Айтиш кераки, Турсумат Холбоев ҳаёти давомида кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган меҳнат йўлини босиб ўтиш билан бирга, оила деган муқаддас кўргонни эъозлаб, эл-юрт қорига ярайдиган фарзанд, набира ва абираларни воёга етказиб, бу борада ҳам кўпчиликка намуна ва ибрат мактабини яратди.

Инсон учун ҳаёти ва фаолияти давомида қилган меҳнатларининг мевасини кўриш ҳам катта бахт. Қаҳрамонимизнинг кўксини беэаб турган "Дўстлик" ва "Хурмат белгиси" орденлари, 1-даражали "Меҳнат фахрийси" нишонини ҳамда бошқа мукофотлар давлатимиз томонидан унинг ана шундай самарали ҳамда фидойи меҳнатларига берилган юксак баҳоидир.

Донишмандлар айтганидек, ҳаёт бамисоли бир дарё, у оқиб ўтавераркан, биров ундан баҳраманд бўлиб боғ-роғ яратар экан, биров лоқайдлик, дангасалик қилиб, ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетавераркан. Қаҳрамонимиз биринчи йўлдан борди, қаерда, қайси лавозимда ишламасин, ўзидан яхши ном ва хайрли из қолдиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам унинг Пискент тумани биринчи раҳбари сифатида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва аҳоли манфаатларини таъминлаш борасида кўрсатган жонқуярлиги, фидойилиги ҳамда хайрли ташаббусларини туман ва вилоят жамоатчилиги ҳамон катта ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Келинг, ўша

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## Эҳтиёт шарт!

Инсоният азалдан турли касаллик ва хасталиклар билан курашиб келмоқда. Шулардан бири кутуришдир. У аксар ҳолатларда кутурган ҳайвонларнинг тишлаши ва сўлаклаши, камдан-кам ҳолатда эса тирнаши натижасида юқади.

## Ўзини асраган ўзгани ҳам асрайди!

Мазкур касаллиқнинг тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Кутуриш ҳақида Али ибн Сино, Гиппократ, Аристотель ҳам қимматли маълумотлар қолдирган.

Касаллиқнинг яширин даври 7 кундан бир йилгача, ҳатто ундан ҳам кўпроқ давом этиши мумкин. Жароҳат бош ёки юзда бўлса, касаллиқнинг яширин-инкубацион даври ҳам қисқаради. Дарднинг бошланғич даврида бемор тушкунликка тушиб, одамлар билан мулоқотдан қочади, уйқуси бузилиб иштаҳаси бўғилади. Кўрқув, кайфият ўзгариши, атрофга лоқайдлик кабилар пайдо бўлади. Охир-оқибат, тана ва ақл ўзига бўйсунмайди, ваҳший-лаша боради.

Кутуриш инсонга аксар ҳолатда мазкур касалликка чалинган итлардан юқади. Шунинг учун ҳам, барча уй ҳайвонларини тез-тез ветеринар кўригидан ўтказиб, текширтириб туриш, кутуришга қарши вакцинация билан қамраб олиш, мақсадга мувофиқ.



Ҳозирда вилоятимизда аҳолининг чиябўрилар томонидан жароҳатланиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу каби ҳайвонлардан ҳам касаллиқни юқтириш даражаси юқори. Шу боис, иложи борича дайди ва ёввойи ҳайвонлардан эҳтиёт бўлиш лозим.

Бундан ҳимояланиш учун соҳа мутахассислари томонидан аҳолига зарур йўл-йўриқлар кўрсатиб келинмоқда. Масалан, ҳайвон тишлаган ёки сўлаган теккан ҳар бир киши зудлик билан шифокор (хирург, травматолог, рабиолог) га мурожаат қилиши лозим. Ҳайвон тишлаганда ёки сўлаган терига текканда жароҳат жойи шу заҳоти оқар сувда совунлаб ювиб ташланиши, кўрсатма асосида кутуриш касаллигига қарши эмланиши шарт.

Умуман, ҳар ким эҳтиёт чораларини кўриши лозим. Унутмайликки, ўзини асраган одам, атрофдагиларни ҳам асрайди.

**Н. НОРМАТОВА,**  
вилоят санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси эпидемиолог шифокори

## БЕМОРНИНГ ОШҚОЗОНИ НЕГА КЕСИЛДИ?

Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида яна бир мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли якунланди. Унда марказнинг тажрибали шифокорлари томонидан 172 килограмм вазндаги эркакнинг қорин бўшлигини очиш орқали ўт қопидан тош олиш, катта чарви ва меъдани узунасига резекция қилиш ҳамда қорин бўшлигини дренажлаш амалиёти бажарилди.

### Тиббиёт

Асли сурхондарёлик, лекин вақтинча Чирчиқ шаҳрида истикомат қилаётган 48 ёшли бемор Ҳамза Абдуҳолиқов ўнг қовурга ости соҳасида оғриқлар, оғизда тахир таъмининг пайдо бўлиши, жигдидон қайнаши, семизлик ва умумий ҳолсизлигидан шикоят қилади. Бемор ўзини ёшлигидан хаста деб билиб, буни парҳез бузилишидан деб юрган. Оғриқлар уни анча вақт безовта қилавергач турар жойидаги ультратовуш текширувидан ўтганда ўт қопида тош борлиги аниқланган. У амбулатор



ва стационар шароитда даволашиб юрган. Даво чоралари фойда бермай оғриқлар кучайгач вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига мурожаат қилади.
– Беморни олиб келишганда умумий аҳволи ўрта оғир эди, – дейди марказнинг бош шифокори Низом Абдуллаев. – Одатда, ортиқча вазн ўзи билан турли касалликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, беморимизда ковид асоратлари ҳам қолган. Қорин соҳаси эса асиметрик шаклда бўлиб, тери ости

ёғ қавати кучли ривожлангани учун нафас олиш жараёнида иштироки суст эди. Жарроҳлик амалиёти 3-4 соат давом этди. Бунда беморнинг ошқозони узунасига яри олиб ташланди. Ҳозирда жонлантириш бўлимига ётқизилган. Энди беморимизга соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ва кучли ҳазм бўладиган таомлар истеъмол қилмаслик тавсия қилинади.

Ўз муҳбиримиз  
Жалолиддин ЭСОНОВ  
олган сурат

### Сўраган эдингиз...

– Укам касаллик сабаб уйда ётиб қолган. Унинг парварishi билан ўзим шуғулланаман. Унга қараб турганим учун менга меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан нафақа берилиши керак экан, шу ростми?

**Нигора РАЙИМОВА**  
Оҳангарон шаҳри

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Давлат ижтимоий сўгуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандига кўра, уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парварishлашда банд бўлган она касал бўлиб, болани парварishлашга қурби етмай қолган ҳолларда, парварish билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.

Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор бировнинг парварishiга мўртож бўлган, лекин 7 календарь кундан ошмаган давр учун берилади.

Ун тўрт ёшга етмаган бемор болага қараш учун нафақа эса 14 календарь кундан ошмаган давр учун берилади.

Саволга Бекобод тумани Адлия бўлими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўлими бош маслаҳатчиси **Суннатилло МУСАЕВ** жавоб берди.

---

Вилоят Фтизиатрия ва пульмонология маркази жамоаси маркази консультанти, профессор Абдувоҳид Содиқовга акаси

**Комил АБДУРАШИДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Рақамлар нима деяпти?

### ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИДА ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ҲАЖМИ

2024 йил январь-февраль ойларида Тошкент вилоятининг ташқи савдо айланмаси 815,2 млн. АҚШ долларига етди ва ўсиш 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 73,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 264,5 млн. АҚШ долларига ва импорт ҳажми 550,7 млн. АҚШ долларига етди.

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ СОНИ 37 МИНГ 795 ТАГА ЕТДИ

Тошкент вилояти бўйича фаолият кўрсатаётган тadbиркорлик субъектлари сони 2024 йил 1 март ҳолатига 37 минг 795 тага етиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 110,4 фоизни ташкил этди. Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқо-

ри улуши савдода – 102,8 фоиз, соғлиқни сақлаш – 105,9 фоиз. Худудлар кесимида энг кўп Зангиота туманида 4 минг 610 та, Қибрай туманида 3 минг 443 та, Тошкент туманида 2 минг 648 та тadbиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.

### ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР

2024 йил 1 март ҳолатига кўра, вилоятда фаолият кўрсатаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 1 минг 592 тани ташкил этди ва кейинги беш йилда корхоналар сони 1,3 баробарга ошди. Етақчи ўринни 501 та корхонада тўлиқ ёки қисман улуши мавжуд бўлган Хитой Халқ Республикаси эгаллаган.



### ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ СОҲА АЙЛАНМАСИ

2024 йилнинг январь-февраль ойларида овқатланиш корхоналарининг савдо айланмаси 99 млрд. сўмга етди. 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 110,3 фоизга ошди. Бунда савдо айланмасининг 79,4 фоиз улуши кичик бизнес ва хусу-

### Статистика бурчаги

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 113,4 фоизни ташкил этди. Худудлар кесимида кўрсатилган хизматларининг энг юқори улуши Зангиота (9,7 фоиз), Қибрай (8,6 фоиз) туманларида ва Олмалиқ шаҳрида (7,1 фоиз)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми 1 миллион 771,5 минг сўм миқдориде қайд этилди.

### 2 ОЙДА ЙИРИК ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАЖМИ

2024 йилнинг январь-февраль ойларида вилоятда жами қурилиш ишлари ҳажми таркибиде йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар ҳажми 279,8 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишлари 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил этиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 15,6 фоизга етди.



# САХОВАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ



Шукуҳ

**Халқимиз меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик сингари ўзига хос эзгу фазилатларни асрлар давомида қадрлаб келади. Айниқса, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашдек эзгу амаллар сўнгги йилларда янада ривожланиб, янгича маъно-мазмун касб этмоқда.**

2024 йил 10 апрель куни мамлакатимизда Рамазон ҳайити кенг нишонланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 8 апрелдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» қарорига биноан юртимизда бу фазилатли кунлар миллий анъана ва урф-одатларимизга мос тарзда ўтказилади.

Рамазон ойи жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Муқаддас ислом динининг беш фарзидан бири бўлган бу файли ой ўз таровати билан кишиларни ҳидоятга чорлайди. Рамазон ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишонланиши юртимизда муқаддас динимизга қўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Рамазон ойининг ўн бешинчи куни, яъни 25 март санасида ҳурматли Юртбошимиз ташаббуси билан бутун республикамиз бўйлаб ифторлик дастурхонлари ташкил этилди. Биз – Тошкент вилояти диний соҳа ходимлари ҳам нуруний отахонлар, маҳалла фаоллари билан биргаликда Қибрай туманида уюштирилган ифторликда иштирок этиб, дуолар қилдик.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент вилояти вакилиги, имом-домдалар муборак ой муносабати билан кўплаб эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳомийларни жалб қилган ҳолда 14 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари эҳсон қилинди. Жисмоний имконияти чекланган фуқароларга махсус аравачалар, дори-дармонлар олиб берилди.

Рамазон ҳайити эзгу амаллар айёмидир. Уни ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат руҳида кутиб олишда маҳалла фуқаролар йиғини раислари,

жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этди.

Ушбу айём миллатимиз маънавиятига хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро ҳурмат-иззат сингари фазилатларни юртдошларимиз қалбида янада мустаҳкамлаб, ёш авлод онгига синдириб, эртанги кунимизнинг янада чароғон бўлишини, эзгу мақсадларимиз ижобатини таъминлаш учун қулай фурсатдир.

Имом-хатиблар ҳамда маҳаллалар ходимларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётида тугган ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш, ёш авлодни истиқлол ғоясига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Шу йил 16-18 кунлари уюштирилган уч кунлик умумхалқ ҳашарларида ҳам фаол иштирок этдик. Рамазон ҳайитини саранжом-сарихталикда, юртимизни янада обод этган ҳолда кутиб олиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Ҳайит арафасида вилоятимиздаги барча масжидлар, зиёратгоҳлар, табаррук қадамжолар ободонлаштирилди.

Барча юртдошларимизни муборак Рамазон ҳайити билан самимий кутлайман. Аллоҳ таоло бу улғу ойда қилинган хатми Қуръонлар шарофатидан диёримизга файз, барака ёғдирсин. Юртимизни тинч, осмонимизни мусоффо, халқимиз ҳаётини, турмушини бундан-да маъмур ва фаровон айласин. Келаси Рамазон ойига тинчлик-хотиржамлик, ҳузур-ҳаловатда, бағрибунтлиқда етиб олайлик.

**Жасурбек домла РАУПОВ,**  
Тошкент вилояти  
бош имом-хатиби

## Кўзгудаги ўзимиз

**Э**нди тушуниб етйаман: яхши яшаш учун ўз касбингизни, хунарингизни бошқалардан кўпроқ билишингиз зарур экан.

Масалан, боғбонсиз. Боғдорчиликка оид кўп китоб ўқисангиз, устозлардан амалиётни ўргангансиз, тажрибалар қилиб кўрсангиз, амалда натижага эришгансиз. Аниқки, эл орасида уста боғбон бўлиб таниласиз ва боғ барпо қиламан, боғимдан мўл ҳосил олмақчиман деганларнинг бари сиз тавон югуради.

Дейлик, ўқитувчисиз. Ўз фанингизга оид кўп илмий мақолалар ўқиган, устозлар сўхбатини тингланган бўлсангиз, табиийки, дарсингиз қизиқарли бўлади, ўқувчилар истеъдодингизни тез пайқайди. Шогирдларингиз, сиздан илм ўрганувчилар сони кўпаяди.

Устасиз. Ўзингиз яхши биласиз: одамлар қўлида пул кўтариб зўр устани излаб юради.

Бир кунда 100 доллар пул топдиган сартарошни биламан.

Хуллас, кўп пул топиш ва чиройли ҳаёт кечириш учун ўз касбингиз, хунарингизни бошқалардан аъло билишингиз шарт!



## Биласизми, ким зўр яшайди?

Эринманг. Сериал кўриб диванда чўзилиб ётманг. Чойхонада ялпайиб ўтириш билан иш битмайди. Бўш вақт бўлди дегунча ўқинг, ўрганинг, изланинг! Илмингизни, хунарингизни такомиллаштиришга ҳаракат қилаверинг. Хунарингиз қанча зиёда бўлса, пулингиз шунча кўп бўлади.

Худо инсонга чексиз имкониятлар берган.

Шоир айтганидек:  
*Химмат камарини боғласа инсон,  
Осмонни ҳам ерга туширар осон.*

Хато қилишдан чўчиманг. Хатоларимиз энг аъло устозимиздир.

Одамлар: "Шаҳарда энг зўр дўхтир ким?" дея бир-бирдан сўроқлаб юради.

Менинг ўзим доим яхши мол-дўхтир, яхши аграрном излайман.

Ўз хунарини юксак даражада биладиган касиб пулдорларга 200 доллардан шиппак ё туфли тикади.

Ўқинг. Ўрганинг. Тажриба орттиринг.

... Ва ҳалол бўлинг.  
**Раҳимжон РАҲМАТ,**  
адабиётшунос

## Ибрат

Султон узатилган қадахни столга қўйди. Негадир кўнгли хижил.

– Ичмайсанми, олсанг-чи, – деди соқи йигит Нурали.

– Кейингисиди.

– Қўявер, ичмасе маж-бурлама. Қани кўтардик.

Аброр қуювчиға эътироз билдирди. Қадахлар жаранги эшитилди. Бу пайта Султон ўрнидан туриб ташқарига йўналганди. Ичкаридан ичимлик идиши овозига монанд шўх қаҳқаҳа янгарди.

Негадир қайтиб киришга оёғи тортмай, йўлак бўйлаб секин юриб кета бошлади. Ҳайдовчи йигит у томон йўналганди, "Боравер, ўзим..." дея унга қўли билан ишора қилди. Ҳайдовчи кўп тижирлик қилмади. У йўлида давом этди.

Анчадан бери хомуш, қалбини аллақандай оғирлик чулғанган, сабабини ўзи ҳам билмайди. Узоқ вақтдан бери шу улфатлари билан бирга. Кунда, кунора машат, базм. Авваллари ичса, чалгирди. Сўнгги пайларда бу ҳам қониқтирмаётганди. Бугун биринчи марта ичмади. Шунчаки даврадешларини тинглаб турди... Нахотки, ҳамма нарса зеркирилди бўлса. Кўзига ҳеч нима кўринмас, фақатгина ҳаловат истарди.

Кўп нарса ҳақида ўйлаб борарди. Бир пайт қўлоғига азон товуши эшитилди. Одамлар намозга шошишарди. Беихтиёр тўхтаб қолди. У ҳам масжид томон юра бошлади-ю, унинг ташқарисидига ўриндиққа бориб ўтирди. Ичкаридан имомнинг овози эшитилиб,

Жим тинглади. Бугун вужуди қўлоққа айланганди. Намоз тугаб одамлар тарқала бошлади. У жамоат сийраклашган масжидга кирди. Ҳовлида серрайиб тўхтаб қолди.

– Биродар, нимадир бўлдими, ёрдам керакми? – Қуринишидан имом бўлса керак, унга юзланарди.

– Ўтиб кетаётгандим, ўзим... – Султон ерга қаради.

Рупарасидаги маҳзун йигитни тушунди шекилли, имом юзига

ши маъносизланиб қолди.

– Ўзи меҳрибон зот. Кечирувчи зот. Ўзининг муқаддас китобида тавба қилгучиларга кўп хушбарлар берилган. Шундай экан, вақт борида улғуриб тавба қилиш керак. Тавба эшиқлари очик. Тавба гуноҳларни кетказиб, одамни тўғри йўлга бошловчидир.

Бу гапларни эшитиб аллақандай антиқиб пайдо бўлди. Раҳмат деб, қикиб кетмоқчи эди, тўх-

## ТАВБА



маъноли тус бериб:  
– Аллоҳ мададкорингиз бўлсин, биродар, – деди.

– Аллоҳ...

– Кечирармикан?

– У раҳмли, мағфиратли зот. Тавба қилгучиларни кечиргучидир.

Кўзларида умид пайдо бўлди.

– Гуноҳларим кўп. – Яна қара-

тади, дарвоза томон бир қадам босиб яна секинлашди. Имом уни кузатиб турарди. Тагин қикиб кетмоқчи бўлди-ю, тек қотди. Боши билан орқага ўгирилиб, ерга қаради.

– Таҳоратхона бу томонга биродар... – Имомнинг гапи тўзғиган хаёлларини йиғиб олишга туртки бўлди. Нигоҳини ердан узиб, маъноли қаради. – Бораверинг, биродар. – Султоннинг кўзлари порлаб кетди. – Билмасангиз, ўргатиб туришим мумкин. Ҳадемай шом бўлади. Бирга намоз ўқиймиз.

Қалбида бехос илиқлик уйғонди.

– Ташаккур, биламан. Ўзим... сизга кўп раҳмат. – Таҳоратхона томон илдамлади. Кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Тилида эса "Тавба" деган сўз янгарди...

**Зиқрилла МАМАТОВ**

## Ажаб савдолар

# НУРАФШОНДАН "НУР" ТАРАТИБ...

**Бир қариянинг ёлғиз фарзанди тенқурларига қўшилиб, четга ишлагани кетмоқчи бўлган экан. Шунда отахон "Бу дунёда ишонганим, мерос-хўрим сенсан-ку, болам. Сен бўлмасанг, мендан кейин уйимнинг чирогини ким ёқади?" деса, ўғли "электросет" дебди...**

**Майли, эрка ўғил-ку, отага бир амаллаб гап топиб берибди. Аммо Нурафшон шаҳар электр тармоғи корхонаси ходимларининг хонадониди шундай ҳолат юзага келса, улар нима қилсин? Нурафшон деган шаҳар кўчаларида "нур таратиб" юрган "оға"ларнинг ўзлари "ғойиб" бўлиб қолса-чи?**

Ҳамма гап 2019 йили "Худудий электр тармоқлари" АЖ Тошкент худудий филиали биносини Нурафшон шаҳрида қуриш учун 40,6 млрд. сўм ажратилгандан сўнг бошланди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун тендер танловида "RAVON-SAF SERVICES" МЧЖ (турар жой биноларни қуришга ихтисослашган) ғолиб чиқди ва объект 2021 йилда фойдаланишга топширилиши белгиланди.

Аммо, айрим сабабларга кўра, бино фойдаланиш учун ўз вақтида топширилмаган. Нурафшон шаҳар прокуратураси томонидан олиб борилган терговга қадар текширув давомида мазкур МЧЖ томонидан қурилиш жараёнида жами 8,3 млрд. сўм бюджет маблағлари талон-тарож қилинганлиги ҳолати аниқланган. Бундан ташқари, текширув давомида умумий ажратилган маблағдан

1,5 млрд. сўм маблағ қурилиш ишлари билан боғлиқ бўлмаган ишларга йўналтирилганлиги маълум бўлган.

Номи "RAVON" бўлса-да, норавон ишлардан ҳайикмаган кимсаларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Нурафшон шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши кўзга-

тилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Текширув давомида "электр" билан боғлиқ бошқа ноқонуний ишлар ҳам юзага чиқди. Масалан, қурилиш объектининг смета ва лойиҳа ҳужжатлари экспертизадан ўтказилмаган. Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси олинмаган. Шунингдек, қурилиш учун ишла-

тилган маҳсулотлар сифатсиз бўлиб, уларнинг нархи сметадан чиққан ҳолда юқори ҳисобланиб, харид қилинганлиги аниқланган.

Ўзганинг ҳақи ҳеч қачон бюромайди, дейишарди ота-боболар. Нахотки, нурафшонлик "нур" ўғиллари шундай ҳикматли сўзларни эшитишмаган бўлса!

**Тўхтамурад ҲАСАНБОВЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
муҳбири

**TOSHKENT HAQIQATI**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

- "Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:
- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
  - Abdusamad NOSIROV
  - Ummat MIRZAQULOV
  - Hotamjon SAYDAQHMEDOV
  - G'afurjon MUHAMEDOV
  - Sirojiddin ESHQUVVATOV
  - Tohir ARIPOV
  - Mahmud TOIR
  - Uskenboy ATEMOV
  - Abdulla XURSANOV
  - Kumush EGAMBERDIYEVA
  - Behzod QOBULOV
  - Olimjon BEGALIYEV
  - Zarifa ERALIYEVA
  - Sergey MUTIN
- Bosh muharrir:  
**G'ayrat SHERALIYEV**

- Qabulxona:  
(55) 520-64-95
- Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10
- Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10
- Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
- E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20
- e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

- Mas'ul kotib:  
**Alloma AZIZOVA**
- Navbatchesi:  
**To'xtamurod HASANBOYEV**
- Bosishga topshirish vaqti - 21:00.  
Bosishga topshirildi - 23:50  
Nashr ko'rsatkichi - 205.  
Buyurtma G-435.  
5 070 nusxada chop etildi.  
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.  
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**  
**Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6